

ТОЛАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ЭКИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Абдурахмонов С О

*Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти директорининг илм
фан ва илмий фаолият бўйича маслахатчиси қ.х.ф.д, профессор*

Нумонова Д М

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти ассистент

Аннотация: *Мақолада ғўзанинг “Бухоро-102” навни толасининг технологик хусусиятларига чилпиш муддатлари ва суғориш тартибларининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.*

Калит сўзлар: *ғўза, нав, тупроқ, ҳосил шох, суғориш тартиби, ЧДНС, чилпиш, муддат, Бухоро-102.*

Аннотация: *В статье описаны результаты исследований по выращиванию хлопчатника сорта Бухара-102, влияние продолжительности рыхления и орошения на урожайность хлопка.*

Ключевые слова: *хлопок, сорт, почва, урожай, способ орошения, НПД, период, Бухара-102.*

Annotation: *The article describes the results of research on the cultivation of cotton variety Bukhara-102, the influence of the duration of loosening and irrigation on the yield of cotton.*

Key words: *cotton, variety, soil, crop, irrigation method, period, Bukhara-102.*

КИРИШ

Кейинги йиллари ресурстежамкор агротехнологияларни кенг миқёсда жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, қарорларда белгиланган вазифаларда етиштириладиган ғўза тола сифати юқори бўлган навлар майдонларини кўпайтирган ҳолда мўл ва сифатли ҳосил олишга қаратилган бўлиб, ресурстежамкор агротехнологияларини қўллаш тадбирлари ҳам ўз навбатида ушбу соҳани тобора ривожланишини таъминлайди. Шу сабабли олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари этиб, соҳага янги жадаллаштирилган сув ва ресурстежовчи агротехнологияларини тадбиқ этиш, янги сувсизликка чидамли навлар яратиш ҳисобига экинлар ҳосилдорлигини ошириш таннархини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг асосий қисмини республикамизнинг ўзида қайта ишлаш асосий мақсад этиб белгиланган.

Республика пахтачилик соҳасидаги катта муаммолардан бири, бу сув ресурслари чегараланганлиги бўлиб, сув танқислиги йилдан-йилга сезилмоқда. Бу борада парваришланаётган экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида сув тежовчи

технологияларни қўллаш ҳамда ҳар бир экин учун мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш ҳамда ғўза экинидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитларида ғўзанинг тола сифати ва тола чиқими юқори бўлган “Бухоро-102” навини етиштириш агротехнологиясини илмий асосда ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

А.Эрматовнинг маълумотиغا кўра, чигитлар плёнка остига экилганда, очиқ майдонга экилган назорат вариантга нисбатан, тупроқнинг 5 см қатламида ҳарорат ўртача 4,7 ° С га кўп бўлиши натижасида чигитларнинг униб чиқиши ўртача 3-7 кунга, ғўзанинг шоналаши, гуллаши 12-21 кунга (йиллик бўйича) кўсакларни очилиши 15-25 кунга тезлашганлигини таъкидлаган. етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми сентябр ойида териб олиниб, гектаридан 11,2-17,1 центнер кўшимча ҳосил олинган (2. 34-6).

Ғўза навларини пахта толасининг технологик хусусиятларини яхшилаш ва қўлланилган агротадбирларни таъсирини кўпгина олимлар ўрганганлар.

Yaou Jia, Yang Bei Fang, Yingchun Xan ва бошқаларнинг тажрибаларида Шимол Ғарб Хитойда суғориш режимларини оптималлаштириш орқали пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати яхшиланганлиги аниқланган.

G.Hanson ва W.G.Knisil лар олиб борган тажрибаларига кўра сув тақчил бўлган йиллари пахта толасининг сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги исботланган. [164; V. 99]

Юқоридаги илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб биз “Ғўзанинг Бухоро-102 навини етиштириш агротехнология элементларини ишлаб чиқиш” мавзудаги дала тажрибаларимизни Андижон вилояти тупроқлари шароитида олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва тажрибалар олиб бордик.

Дала тажрибалари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти ўқув тажриба хўжалигининг тупроқлари шароитида 1-жадвалда келтирилган тизим бўйича олиб борилди.

1-жадвал Тажриба тизими

Вар.№	Екиш усули	ЧДНС га нисбатан суғориш тартиби,%	Чилпиш муддатлари, ҳосил шохи, дона
1	Очиқ	70-75-65	12-14
2			10-11
3		65-70-65	12-14
4			10-11
5	Шаффоф плёнка	70-75-65	12-14
6			10-11
7		65-70-65	12-14
8			10-11

Андижон вилояти шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини икки хил экиш усулида Очиқ майдонга ва плёнка остига экилиб, икки хил суғориш тартибида ҳамда икки хил чилпиш муддатида ўтказилганда тола сифат кўрсаткичларига қисман бўлсада ўз таъсирни ўтказганлигини аниқланди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилди.

Олинган маълумотларга кўра Бухоро-102 навини очиқ майдонга экилиб, суғориш тартиби 70-75-65 %, 12-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган 1-вариантимизда 1000 дона чигит вазни 121,8 граммни ташкил этган бўлса, шу тизимда суғорилиб чилпиш ўтказилган ғўза плёнка остига экилган 5-вариантимизда эса 123,7 грамни ташкил этди. Шу суғориш усули ва чигит очиқ майдонга экилиб, чилпиш муддати 10-11 ҳосил шохида ўтказилган 2-вариантимизда 122,6 граммни ташкил этди. Худди шу тизимда чилпиш ва суғориш ўтказилиб плёнка остига экилган 6-вариантимизда эса 122,5 граммни ташкил этди. Ғўза очиқ майдонга экилиб, суғориш тартиби 65-70-65 %, 12-14 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган 3-вариантимизда 120,7 гр, 10-11 ҳосил шохи бўлганда ўтказилган 4-вариантимизда 1000 дона чигитнинг вазни 122,5 гр бўлди. Юқоридаги тартибда 65-70-65 % суғорилиб, 12-14 ҳосил шохида чилпиш ва плёнка остига экилган 7-вариантимизда чигитнинг 1000 дона вазни 124,7 гр, 10-11 ҳосил шохи бўлганда ўтказилган 8-вариантимизда эса 120,2 грни ташкил этди.

Тажрибада толанинг асосий технологик сифат кўрсаткичлари тахлил қилинганда 1000 дона чигит вазнига мос равишда очиқ майдонга экилган вариантлар орасида энг яхши кўрсаткич суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % бўлганда суғорилиб, ғўзанинг ҳосил шохлари 10-11 та бўлганда чилпиш ўтказилган 4-вариантда кузатилиб тола чиқиши 36,1 %, тола узунлиги 32,2 мм, тонанинг нисбий узилиш узунлиги 26,7 г.к/текисни, толанинг микронейр кўрсаткичи эса 4,4 ни ҳамда тола IV типни ташкил этганлиги қайд этилди. Бу кўрсаткич плёнка остига экилган вариантлар орасида эса суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65 % бўлганда суғорилиб, ғўзанинг ҳосил шохлари 12-14 та бўлганда чилпиш ўтказилган 7-вариантда яхши натижа бериб, тола чиқиши 37,0 %, тола узунлиги 32,4 мм, толанинг нисбий узилиш узунлиги 26,8 г.к/текисни, микронер кўрсаткичи 4,4 ни ҳамда тола IV типни ташкил этди. Бу очиқ майдонга экилиб яхши натижа берган 4-вариант кўрсаткичларига нисбатан 1000 дона чигит вазни 2,2 гр, тола чиқиши 0,9 %, тола узунлиги 0,2 мм, толанинг нисбий узилиш узунлиги 0,1 г.к/текисга юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Экиш усули, суғориш тартиблари ва чилпиш муддатларини ғўзани Бухоро-102 навининг пахта толасининг технологик хусусиятларига таъсири, 2020 йил

Вариант тартиби	Экиш усуллари	Чилпиш муддатлари, дона	Суғориш тартиблари ҚДНС га нисбатан, %	1000 дона чигит вазни, г	Тола чиқиши, %	Тола узунлиги мм.	Толанинг нисбий узилиш узунлиги г.к/текис	Микронер кўрсаткичи	Тола типи
1	Очқик	12-14	70-75-65	121,8	36,1	32,1	26,6	4,3	IV
2		10-11		122,6	36,0	31,6	26,5	4,3	IV
3		12-14	65-70-65	120,7	36,2	32,0	26,5	4,3	IV
4		10-11		122,5	36,1	32,2	26,7	4,4	IV
5	Шаффоф плёнка	12-14	70-75-65	123,7	36,0	33,2	26,7	4,4	IV
6		10-11		122,5	36,2	32,6	26,5	4,3	IV
7		12-14	65-70-65	124,7	37,0	32,4	26,8	4,4	IV
8		10-11		120,2	36,1	32,0	26,0	4,3	IV

Демак, ғўзанинг Бухоро-102 навини турли экиш усулида парваришлаб, турли ҳосил шохларида чилпиш ўтказиш ҳамда суғориш тартиблари 1000 дона чигит вазнига ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказганлиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А. Эрматов – Чигитни плёнка остига экиш давр талаби. «Мамлакат пахтачилигида янги давр чигитни плёнка остига экиб ҳосилдорликни ошириш» (Андижон, 1997), Тошкент 1997, 34 бет.
2. Yaou Jia, Yang Bei Fang, Yingchun Xan va boshqalar. Enhanced Cotton Yield and Fiber Quality by Optimizing Irrigation Amount and Frequency in Arid Areas of Northwest China. (MDPI/Agronomy журнал). 2024, 14 (2),266; <https://doi.org/10.3390/agronomy14020266>
3. Hanson G., Knisel W.G. – Influence of irrigation Practices on cotton properties Agricultural Experiment Station Bulletin 483. New Mexico State University. 2004. V.99.